

**МАЛАКА ОШИРИШ ТҮГРИСИДА  
ШАРТНОМА 006054- сон**

2022 йил 7 январь

Toшкент ш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 июнданги 531-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази Уставига мувофиқ Марказ директори ўринбосари К.Исламов (бундан буён матнда “Марказ” деб аталади) бир томондан ва Кармана-Конимех ирригация тизими бошқармаси номидан асосида фаолият юритувчи ташкилот раҳбари У.Турсунов (бундан буён матнда“Буюртмачи” деб аталади) иккинчи томондан мазкур шартномани қўйидагилар ҳақида туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Марказ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 22-ноябрдаги 244-сон қарори билан тасдиқланган “Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби түгрисида”ги низом ҳамда шартномада назарда тутилган тартибда ва шартларда малака ошириш курсларини сифатли ташкил этишини, Буюртмачи эса малака ошириш билан боғлиқ харажатларни тўлашни ўз зиммасига олади.

1.2. Малака ошириш курсларида ўкув машғулотлари Марказ томонидан тасдиқланадиган 72 академик соатдан иборат ўкув дастурлари асосида олиб борилади.

**2. Малака ошириш учун белгиланган тўлов ва ҳисоб-китоб тартиби**

2.1. Тасдиқланган ўкув дастури бўйича малака ошириш учун белгиланган тўлов бир киши учун Республикада жорий этилган базавий ҳисоблаш микдорининг беш баробари микдорида қўшимча қиймат солигисиз 1 350 000 (бир миллион уч юз эллик минг) сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи томонидан 1 нафар ходим учун 1 350 000 сўм ўтказилади.

2.3. Буюртмачи олдиндан шартнома қийматининг 30 фоиз тўловини шартнома имзоланганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигидан рўйхатдан ўтганидан кейин ўн банк иш куни мобайнида Марказнинг ҳисоб-рақамига ўтказиб беради.

Буюртмачи шартнома қийматининг қолган 70 фоиз тўловини Марказ томонидан тақдим этилган ҳисоб фактурага асосан, беш банк иш куни давомида амалга оширади.

2.4. Буюртмачи шартноманинг иккинчи нусхасини малака ошириш курси бошланган вақтда Марказга тақдим этилишини таъминлайди.

**3. Марказнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

3.1. Марказ қўйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

малака ошириш жараёнини сифатли ташкил қилишни таъминлаш;

машғулотларни соҳа бўйича юқори малакага эга бўлган профессор-ўқитувчи ва амалиётчи мутахассислар томонидан ўтказилишини таъминлаш;

тингловчиларни ўкув материаллари, техник воситалар, компьютер техникалари ва кутубхонадан фойдаланишини таъминлаш;

малака ошириш курслари якуни бўйича синовлардан муваффакиятли ўтган тингловчиларга белгиланган намуналиги сертификат бериш.

Марказ томонидан малака ошириш курси битириувчиларига электрон сертификатлар ноёб идентификация рақами ва QR-код ҳамоя элементларини назарда тутувчи “Электрон сертификатлар репозиторийси” тизими орқали тақдим этилади.

**4. Буюртмачининг мажбурияти**

4.1. Буюртмачи қўйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

малака ошириш учун белгиланган тўловни ўз вақтида амалга ошириш;

малака ошириш курслари бевосита Марказда ташкил этилган ҳолларда тингловчиларни белгиланган муддатда Марказга етиб келиши ва машғулотларда тўлиқ катнашишларини таъминлаш (катнашиш);

малака ошириш курслари онлайн шаклда ташкил этилганда тингловчиларни онлайн ўкув машғулотларида бевосита иштирок этишини таъминлаш (бевосита иштирок этиш);

малака ошириш курслари масофавий оффлайн шаклида ташкил этилганда тингловчиларни Марказ масофавий таълим платформасига жойлаштирилган электрон ўқув-контентларини тўлиқ ўзлаштиришини таъминлаш (ўзлаштириш);

буортмачи белгиланган муддатларда тингловчиларни малака оширишга юбормаган ҳолларда, тингловчилар жорий ўқув йилининг кейинги ойида ўқитилади.

## **5. Томонларнинг жавобгарлиги**

5.1. Ушбу шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим бўлган даражада бажармаслик томонлар учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгарликни юзага келтиради.

5.2. Шартнома юзасидан вужудга келадиган ҳар қандай низоли масалалар томонлар ўртасида музокара йўли билан ҳал қилинади. Келишувга эришилмаган ҳолларда низо суд тартибида ҳал этилади.

5.3. Ушбу шартномани бажаришда томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа норматив-хукукий ҳужжатларга амал қиласидар.

## **6. Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тартиби ҳамда бекор қилиш**

6.1. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ёки қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар икки томон имзолагандан сўнг, Молия вазирлиги Фазначилигига рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

6.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш томонларнинг келишуви бўйича ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларда ва тартибида амалга оширилади.

6.3. Шартнома қўйидаги ҳолларда Марказ томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин: тингловчи Марказ Уставига ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказида қайта тайёрлаш ва малака ошириш тартиби тўғрисида”ги низомга мувофиқ тингловчилар сафидан чиқарилганда;

малака ошириш учун белгиланган тўлов тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилмаганда;

6.4. Шартномани бекор қилишга қарор килган тараф бошқа тарафга бу ҳақда ёзма хабарнома юборади.

## **7. Форс мажор ҳолатлари**

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафларнинг бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар бўлмайди. Ваколатли орган томонидан берилган маҳсус ҳужжат енгиб бўлмас куч мавжудлиги ва амал қилишининг давомийлигини тасдиқлаш учун етарли ҳужжатдир.

7.2. Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва унинг шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга таъсири ҳақида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим. Агар енгиб бўлмас куч узлуксиз амал қилиб турса ва яқин муддат ичидан бекор қилиниши эҳтимоли бўлмаса, мазкур шартнома тарафлардан бирининг ташабbusи билан иккинчи тарафга ёзма билдиришнома юбориш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

## **8. Бошқа шартлар**

8.1. Буортмачи ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва малака ошириш курсларига мутахассисларни жалб қилиш юзасидан Марказга таклифлар киритиши мумкин.

8.2. Тингловчи узрсиз сабабларга кўра (мехнат шартномаси бекор қилинган, бошқа ишга ўтган) Марказда анъанавий ва масофавий онлайн шаклда ташкил этилган машғулотларда қатнашмаган ёки администратор томонидан берилган электрон логин ва парол орқали масофавий таълим платформасида ўқув курсини бошлаган, бироқ белгиланган ўқиш муддати давомида ўқув курси модулларини (маъзуза, видеомаъзуза, тақдимот слайдлари, глоссарий) якунламаган, шунингдек белгиланган тартибида Марказ тингловчилари сафидан чиқарилган ҳолларда, Марказ ҳисоб рақамига ўтказилган тўлов суммаси Буортмачига қайтарилмайди.

8.3. Марказ масофавий таълим платформасига жойлаштирилган электрон ўқув-контентларини узрли сабабларга кўра ўзлаштирулган тингловчилар якуний синов имтиҳонига қўйилмайди ва бундай ҳолда тингловчи кейинги гурухлар билан бирга ўқув курси бўйича электрон ўқув контентларини тўлиқ ўзлаштирганидан сўнг якуний синов имтиҳонини топширишга рухсат берилади.

8.4. Тингловчи якуний синов имтиҳонидан (сухбат) ўта олмаган тақдирда Марказ ҳисоб ракамига ўтказилган тўлов суммаси Буюртмачи ташкилот ва Буюртмачиларга қайтарилимайди. Бундай ҳолда тегишли Буюртмачи ташкилот ва Буюртмачилар қайтадан Марказ билан электрон дастур орқали шартнома расмийлаштириши лозим. Шартнома бўйича тўлов суммаси белгиланган тартибда амалга оширилганидан сўнг тингловчи ўқиш шаклини танлаб навбатдаги гурух билан биргаликда (масофавий таълим платформаси, масофавий онлайн ва анъанавий шаклда ) малака ошириш курсида ўқиди.

8.5. Узрли сабаб билан малака ошириш курсини якунига етказа олмаган тингловчи тарафлар келишувига биноан навбатдаги гурух билан биргаликда малака ошириш курсини якунлаши мумкин.

8.6. Малака ошириш курсларида ўқув жараёни, қоидага кўра, 25 нафардан ортиқ бўлмаган тингловчилардан иборат академик гурухларда ташкил килинади.

8.7. Тегишли ахборот-методик ва ташкилий-техник база мавжуд бўлган тақдирда малака ошириш ўқув курслари масофадан ўқитиш усуллари қўлланилган ҳолда онлайн ёки оффлайн шаклида ташкил этилади.

8.8. Марказ тингловчиларни туарар-жой билан таъминлаш мажбуриятини олмайди.

8.9. Ушбу шартномада назарда тутилмаган барча шартлар амалдаги қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинади.

### 9.Алоҳида шартлар

9.1. Томонларнинг ҳар бири мазкур шартнома бўйича коррупцияга қарши кураш сиёсатини олиб боришини тан оладилар ва тасдиқлайдилар. Барча коррупциявий ҳатти-харакатларда қатнашмаслик, жумладан пул маблағлари ёки бошқа кўринишда пора таклиф қиласлик, ваъда бермаслик, шунингдек ўз ваколатларини сунистъемол қиласлик каби талабларга амал қилишлари шарт.

9.2. Мазкур шартнома томонлар имзолаган кундан кучга киради ва 2022 йил 31 декабрь қадар амал қиласди.

9.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган ва бир хил юридик кучга эга.

### ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Адлия  
Вазирлиги кошидаги Юристлар  
малакасини ошириш маркази  
Молия вазирлиги Фазиличилги  
х/р 23402000300100001010  
ХККМ МБ ББ Тошкент ш.  
МФО 00014  
ИНН-201122919  
л/с. 400110860262697096200009001  
ИНН 201991922 ОКЭД-85590  
100052, Тошкент шаҳри, Кагта-Дархон  
кўчаси, бўй  
Тел. (71) 234-53-46  
Марказ директори ўринбоасари  
  
К.Исламов  
Юрисконсульт   
Ж.Жўраев

### Буюртмачи

Кармана-Конимех ирригация тизими  
бошқармаси

Навоий шаҳар, Низомий қўчаси 24

Банк Toshkent XKKM

100021860124017042402170004

X/P 400121860124017042402170001  
ИЧН 305961573  
201122919  
202328794  
00014

У.Турсунов



юрист:

34.Посидеков